

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 2 | FEBRUARY | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-2>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

СОАТОВ Халил Қудратович

*Иқтисод фанлари номзоди, Қашқадарё вилояти
Ғузор тумани Чўғуртма маҳалла фуқоралар йиғини раисининг
“Кексалар ва фахрийлар ишлари” бўйича маслаҳатчиси
“Янги Ўзбекистон” маърифатпарварлари танлови золиби*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10705195>

МОЗЕЙ ҚАБРИДАГИ ЧИН СУБАҲИ АЖДОДЛАР САСИ

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон тарихидаги ўзгаришлар, бўйича сўз юритилганда Ғузорнинг ўтмиш тарихидаги қора тугунли кезларида қавчин эли Чўғуртмасининг ҳам бой тарихи хусусида ҳам айна холис ёндашувларни талаб этади. Боиси маҳалла аҳлига, хусусан, ёшларимизга ўтмиш тарихни очиклантириш, аجدодлари ҳақида авлодлар мероси ва хотирасини шакллантириш бўйича зарур манбаларни уқтириш айна муддаодир. Ушбу мақоламиз ўрта асрларда Кешнинг чекка қишлоғи Субаҳ (ўлик-улуғ тепаси) мозейдаги аجدодлар сас меросларига бағишланади.

Калит сўзлар: Субаҳ, Ғузор (Ғузор), Чўғуртма, маданий мерослар, урф-одатлар, Ғунонбой, таҳқиқ, Муқанна қўзғолони, Искифоғин, Скифлар шоҳи Темурланг, ибтидоий жамо ер ости йўллари, қабрлар остида, дошноқлар, арк, олам тизми, ибодотхона сири, Шутуртепа, Яккадара, Сакифағин.

АРХИТЕКТУРА ПРЕДКОВ ЧИН СУБАҲИ ЗА МУЗЕЕМ

АННОТАЦИЯ

Изменения в истории Узбекистана требуют таких же объективных подходов, когда речь идет о темных узлах в прошлой истории Ғузора, а также о богатой истории Кавчин эли Чугуртмы. Поэтому важно предоставить необходимые ресурсы жителям района, особенно нашей молодежи, для раскрытия прошлой истории, формирования наследия и памяти поколений о своих предках. Данная статья посвящена наследию предков сас в музее Субаха (мертвого великого холма), отдаленного селения Кеш в средние века.

Ключевые слова: Субаҳ, Ғузор (Ғузор), Чугуртма, культурное наследие, обычаи, Ғунонбой, расследование, восстание Муканны, Искифоғин, скифский царь Темурланг, первобытная община, подземные дороги, под могилами, дошноги, арка, мировая система, тайна храма, Шутуртепа, Яккадара, Сакифағин.

CHIN SUBAHİ ANCESTORS' ARCHITECTURE BEHIND THE MUSEUM

ANNOTATION

Changes in the history of Uzbekistan require the same objective approaches when talking about the dark knot times in the past history of Guzor, as well as the rich history of the Kavchin eli Chogurtma. Therefore, it is important to provide the necessary resources to the people of the neighborhood, especially to our youth, to open up the past history, to form the heritage and memory of the generations about their ancestors. This article is devoted to the ancestral sas heritage in the museum of Subah (dead-great hill), a remote village of Kesh in the Middle Ages.

Keywords: Subah, Huzor (Guzor), Chogurtma, cultural heritage, customs, Gunonboy, investigation, Muqanna rebellion, Iskifogin, Scythian king Temurlang, primitive community, underground roads, under graves, doshnogs, arch, world system, secret of the temple, Shuturtepa, Yakkadara, Sakifagin.

Тарихнинг қалтис қора тугунларида туғилиб, қадимий етти қавчин эли кишлоқларининг сардори Чўғуртманинг эски номлари одамлар хотирасидан унут бўлиб, ўрта аср тарихчилари Кешнинг чекка кишлоғи Субах ва унинг қарвон йўли чорраҳаси билан етиб келган, бу манзилни саккизинчи асрда ҳар бир қарич тупроғи учун ўзгаларга ҳатто Насафликларга бермай Кешликлар ўз ҳимоясига олиб, жон олиб, жон беришганининг асил моҳиятини ўйлаб кўрдикми? Кўхназамонлар ва эски совет шўролар даври ҳукмдорлари даврдан мерос туркий ўзбеклар тарихига қўйилган таҳқиқлар ортида Субах ва ўнга ёндош Искофоғин-Ҳузорларини турли жойлардан излашган чорраҳа йўлли Чўғуртмаси манзилиҳатто ҳозирги тарихчи ва қадамшунослари эътиборига тушмаган манзил, десак хато қилмаймиз.

"Ҳақиқатга турли туман мунозараларда эришилади шунга кўра янги Ўзбекистон маърифатида Кешнинг чекка Субах кишлоғи аждодлари мозей қаъридаги сасига кура "Бу қабилани амирғий, ("ғийммнери", "гемер"), саклар деб атардилар. Туркий халқлар тарихи билан яхши таниш бўлган одам "ишгауз" деган ном аслида "ўғиз" номи билан боғлиқлигини тезда пайқайди. Маълумки, йигирма тўрт уруғдан иборат бу туркий қабилалар икки йирик гуруҳдан иборат бўлиб, бири ич ўғиз (ички ўғиз) иккинчиси "таш ўғиз" (бошқа ўғиз) деб номланган. Демак, Аш-шара битикларидаги "ишгауз" аслида "ич ўғиз", бу тарихий гувоҳлик скифларнинг (ёки уларнинг маълум қисмининг) туркий тил эгалари бўлганликларини исботлайди [12, Б.25]. Чин Чўғуртма етти қавми" Субах аждодлари" жойлашув тарҳи ҳақида сўз кетмоқда".

"Искифлар жуда эрта туғилиб, шунингдек, жуда эрта тарих майдонидан исмлари йўқолдиғи сабабининг, уларнинг ким эдуқлари жуда сўнгги замонларга қадар таҳқиқ ила битилмиш эди" [1, Б.46].

Эски туркларнинг Субаҳи ўтмишини суриштирув таҳлилига кура. "Дастлаб Муқанна динига кирган ва унинг динини юзага чиқарган кишлоқ Кешнинг Субах номли кишлоғи бўлиб, кишлоқ аҳолисининг улуғ кишиси Умар Субахий эди. Улар кўзғолон кўтардилар. Уларнинг амри араблардан бўлиб, порсо бир киши эди, уни ўлдирдилар..." [2, Б.139].

Таҳлилларига кўра "Искифағин Насафдан нарида, Субаҳдан бир фарсахлик йўлда бўлган. Бу ном, Эскибоғ-қишлоғи номида сақланиб қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас "Иккинчи бир қарашлар" Субах бугунги кунда Ғузор туманининг таркибий қисми ҳисобланган Савбоғ қишлоғининг шимоли томонида жойлашган йирик ўрта аср ёдгорлиги Савбоғтепа ўрнида бўлганини ҳам тахмин қилиш мумкин" [3, Б.24] "В.В. Бартольд" Субаҳни Ғузор билан бир деганда, нималарни кўзда тутганини айтиш қийин.

Иккинчи шаҳар-Искифағн ҳаробасини Ғузордан анча нарироқда бўлган (9 чақирим) "Ҳожа Бузруктепа мисолида кўриш мумкин" [4, Б.14-15] бироқ ғоялар ортида қадим ва ўрта аср ҳамда совет даври ҳукмдорларининг турклар ва туркий халқлар тарихига қўйилган тугунли ғоясига таяниб яратилган сохта тарихларнинг сояси бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Қадим Ҳузорни барча замон босқинчилари бош туркий қавми чин эли ўтмиши ва тарихига нега таъқиқлар қўйган?

Ўтмишдан садо берадиган маданий меросларни йўқ қилишган, масалан, охиргиси рус босқинлари даврида Амир Музаффарнинг ўғли Абдумалик тўра Ғузор (ҳоким) тўраси сифатида бекларни бирлаштириб босқинчиларга жиддий хавф туғдирганини, отасини руслар пинжиги кириб олганлиги ортида чорасиз қолгани ва натижада ўша даврдаёқ руслар маҳаллий топоним номларини йўқ қилиб, қадим Чўғуртма қавчин эли ўрнида Янгикент уездини, шунингдек, Тангихарам ўрнига Дехқонобод уездларини шакллантиришгани бошқарув амирликка топширилгани ёки қизил шўролар 1920 йил босқин билан бир даврда В.Л.Вяткин бошчилигида Туркистон ўлкаси бўйлаб ўша йилнинг август- декабрь ойларида ташкил этилган экспедиция томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида халқдан тортиб олинган қўлёзма асарлари ва осори-атиқавий ашёлар энг қадимий қимматбаҳолари айнан Ғузор туманидан, жумладан, қавчин кишлоқлари сардори кўхна Чўғуртмани мулла туви (туғ кўтарган муллалар) маҳалласи қавчин эли сўфийлари ва сайид хўжаларидан тортиб олишган. Мен бу сўзларни маҳаллий аҳоли авлодлари вакиллари Райим ва Эрдон, Сала, Ёрмат сўфийлар ҳамда Ҳузор- Кўлоб қавчин эли пирлари саид Аловиддин шайх ҳазратлари Камаридинхон, Маҳматвалихон валиуллоҳ ва хўжалар Зиёхон, Камолхон, Раҳматхон авлодлари, шунингдек, Чўғуртмалик Ҳузор тўрасининг девонбегиси катогон қурбони Ваҳоббек, Кўлоб беклиги ҳокими Муродбек, Ҳузор тўралиги тўқсобалари Раҳимқул ва Раҳим, Хўжамберди тўқсобаларнинг авлодларидан ўтиб келаётган ишончли хотиралариларидан олиб ёзмақдаман. Уларнинг аксарияти ягона нусхадалиги қадим туркий ўзбеклар авлодига алоқадорлигини уларни аниқлаш, топиш, юртимизга қайтариш ва кенг халқ оммасига етказиб беришда туманимиздаги ёш изланувчан олимларимизни ва уларни рағбатлантириб изланишга чорлайдиган жонкуяр тадбиркор раҳбар ва депутатларни назаримда жонбозлиги замон талабига ҳамоҳанг эмаслиги, қанчалик аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам айтишимиз керак бу ишларни ғузорликларнинг ўзи ва келажак авлодлари жон куйдириб қайғурмаса, бошқа ким ҳам амалга оширади, чунки босиб турган тупроқ остида, назаримда, яхлит қадим туркийлар бош бўғинлари (империяси) улкан тарихга дахлдор излар ястаниб ётибди. Уни алоҳида қарвон йўли ёки бирон тепалик палончи даврники деб иш юритишнинг совет даври иш услуби эскирганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

- *"Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси"* Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2009 йил.) *Субаҳ улк ўрта асрларда Ўзбекистоннинг жанубида мавжуд бўлган шаҳар. Насафдан, 6-фарсах масофада Кеш ва Термизга борадиган қарвон йўли кесишувида жойлашган. –VIII-асрда Субаҳ Муқанна қўзғолони билан боғлиқ воқеалар марказига айланган...* "Археологик маълумотларга қараганда Субаҳ Қарши йўлида жойлашган ҳозирги, Ўликтепа шаҳар ҳаробаси ўрнида [5, Б.429] сўзлар замирида қора тугунли кўхна Чин Чўғуртма қавми ўтмишини очиқлантиригандек: Субаҳ ва Кешнинг қадим бош аждодлари биринчи шаҳри ва диний манзили Искифағин қадим Ҳузордаги кўхна улкан ибодатхона манзили кўз ўнгимизда намоён бўлади.



Суратда Чўғуртма чорраҳаси Шажара-тарҳига изоҳлар: чап томонида атрофлари сув билан ўралган кўрғон Улуғ, Ўликтепа номидаги қадим Субах, Насаф (Қарши) тарафдаги бир фарсах масофадаги тарихи қора тугунли унутилган Хожабош ота зиёратгоҳ ва қабристон остида етти қалъа кўрғонли улкан ибодатхонали шахристон эски номларини очикланишини кутиб ястаниб ётибди, қадим турклар тухмона карвон йўли тўғрига қадим Бойдовул тепа орқали Базда ва Касба (Касби)ни чорроҳа савдо карвон йули билан боғлаган бўлса Нозин тепа жануби-ғарбида Форс (Эрон) ва Марви томон кетган бу йўлни Аракс (Амударё) остидан ер ости массагетлар йўли бўлган деган ривоят ҳам юради унутилган алмашинув чорраҳа йўлида азалий кўҳна марварид тутлар шодаси жувозхона, суворийлар маҳалласи бўлган Нозин назорат қалъаси қаршисида кўк ва оқ (саройлар) бўрон (махсус шамолдай тезкор ҳаракатланадиган минг аскар турадиган қароргоҳ) тепалар, асосий чорраҳа йўли марказида сақланиб қолган ҳовуз бўйида ҳамда кўҳна дунё тош (саккизинчи аср Абуллайс) ариғи сойлигида қадим марварид (сой-ариқлар ёнида ва атрофида сон-саноксиз тутлар ва пайкалларда алоҳида қадим боғлар бўлган тутга етмасдан ўнг тарафга ўтиш чорраҳасига Каприн-Тахтапул-(Насаф)-Еркўрғон-Бухоро- Кеш-Самарқанд-Хитой, Балх, Тирмиз, Мурғоб, Хитой, Ҳиндистон савдо карвон йўлига туташтирувчи чорраҳа йўли бу манзил бизгача Бекмантепа ва етти қавмли Қавчин эли Чўғуртма жомеъ масжиди номи билан етиб келган. Ҳозирда қаровсиз бу обида кекса авлод вакиллари сўзларига кўра, зардўштилар дини (бу манзилда оташпараст ва зардўштилар мозори бир қисми сақланиб қолган) ғалабаси устидан курилган экан. Чорраҳа ўнг манзилида асосий карвон сарой ҳамда иккинчи саккизинчи аср типидagi эски Янгикент (қадим тош ариқ) сойи ортида карвон йўл, ўнг тарафида масжид харобалари, унинг шарқ тарафида эса Кўрғонтепа номидаги кўрғон қалъалар излари, шу йўлдан тўғри Каприн-Насаф (Қарши) тараф юрилганда тарихларда (ҳатто маҳаллий тарихчилар қаламига тушмаган) қайд этилмаган олдингиздан эски сак (масагет) тўралар маҳаллий аҳоли авлодлари тўранинг (шуро мутасадилари Сичқонтепа) номида етиб келган кўли ундан нарида қадим Понгтепа ва тўралар карвон саройи Шакарбулоқ қадим қавчинлар қишлоғи ўрни ва ҳоказолар барчаси кўҳна Чинга таълуқли манзиллар ҳозиргача утмиши очиклантирилмаган.

“Олам тизмини барпо этилган” даврдаги икки, яъни чин ва хукзор (ҳазар) дарёлари баланд осмонўпар қорли тоғлари бошланиш нуқталари ҳамда унинг серсув ўзани ва дастлабки алмашинув йўллари атрофларини қадим аждодларимизга, Аллоҳ таоло одамни ўзининг ер юзидаги халифаси қилаётган пайтда унга улуғ бир сирни берган. У ҳам бўлса одамга исмларнинг барчасини ўргатишдир [6] бу ҳақда Қуръони карим Бақара сураси 31- оятда батафсил берилган. “(Аллоҳ) Одам (Атога) га барча номларни ўргатди. Сўнг уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: “Агар ростгўй бўлсангиз, ана у нарсалани номлари билан Менга айтиб берингиз!” [8] Агар Аллоҳ Таоло инсонга ушбу қобилиятни бермаганда ер юзида ҳаётни тасаввур қилиш анча қийин бўларди. Ривоятларда келишича: Бунинг исми от, буниси туя, мана бу қуёш, бу эса юлдуз, деб ҳатто кичкина нарсаларгача ўргатилган экан. Шунга кўра, бу манзилни ҳам Чин Чўғуртма аждодлари Субах (супа-яъни маҳаллий аҳоли таъбири билан сув билан ўралган) манзил дея барпо эташган.

Суриштирувларимизда элшуносликка оид унут бўлган етти қавм, чин эли қабиласи бошланиш нуқтаси йигирманчи аср бошида яшаган авлодлар айтишларича бу манзилда яшаган ҳиндулар Мо-Чин деб аташар экан”.

Ер юзида энг биринчи бўлиб кийим тиккан, қалам билан хат ёзган Идрис алайҳиссалом даврларига алоқодорлиги бор аломатли тотем санам Хожабош ота зиёратгоҳи манзиллидан топилган.



*Суратда ўта қадимий санам. 7-Аъроф сураси: 139-оят.
Зеро, уларнинг (сизиниб) турган нарсалари барбод бўлувчи ва қилаётган ишлари
(беҳуда иш) дир [8, Б.167]*

- “Шис алайҳиссаломдан кейин бирмунча вақт ўтгач, Аллоҳ Таолага ибодат қилувчилар қолмади. Одамлар жоҳиллашиб, залолат ботқоғига ботдилар. Бирлари одам суратига, бошқа бирлари-ёғочдан, тошдан, олтиндан, кумушдан бут-санамлар ясаб олиб уларга топина бошладилар. Бир қанча асрлар давомида шу тарика ҳаёт кечириб юрдилар. Шундан кейин Парвардигор уларни тўғри йўлга солмоқ учун улар орасидан Идрис алайҳиссаломни танлаб пайғамбарлик мақомини берди. Тавротда у- Ихнух (Енох) номи билан зикр этилган.

Ўша даврларда одам болалари ҳайвон терисига ўралиб юрар эдилар. Яъни Идрис алайҳиссалом биринчи бўлиб маданий ишларни йўлга қўйганлар одамларга маданиятга оид ишларни, қонун қоидаларни ўргатганлар, у зотнинг даврларида дунёнинг турли гўшаларида 188 та шаҳар қурилган ва шу шаҳарларда, ёлғиз Аллоҳга сиғинадиган ибодатхоналари ҳам бўлган экан [13, Б.52].

Й.В.Гёте ўзининг “Ғарбу Шарқ девони” да (1819 йил) бир бобини “Темурнома” деб атаган. XVI асрда лотин тилида “Скифлар шоҳи Темурланг” китоби чоп этилди [7, Б.31].

“Темур тузуклари” асарида тилга олинган биринчи шаҳар, асарининг ”Биринчи китоб “бўлими, “Туғлик Темурхон билан учрашганимдан сўнг кўнглимга келган биринчи кенгашим” ҳикоятига назар ташласак, ушбу “Ҳузур” номи билан тилга олинган шаҳар ушбу кенгашда авлодларга келтирилган таъриф “Биз ким, мулку Турон амиру Туркистонмиз. Биз ким, миллатларнинг энг қадими ва улуғи-туркнинг бош бўғинимиз!..” [9] Субах кишлоғи ортида яширинган қавчин эли Чўғуртма қавми манзиллари кўҳна тарих яширин сирлари силсиласига дахлдор Турон мулки ва қадим Туркистон амирлари манзилига дахлдор кўҳна Кеш ва Ҳузур-Субаҳи яхлитбир манзил ҳам булиши мумкинлигига ишорат эмасми? Ҳукмдорлар қанчалик таъқиқлар қўямасин, муаррихлари нечоғлик қора тугунлар тугмасин яратган каломиди ёзилганидек, 2.Бақара сураси. 72-Оят. “Эсланг, бир инсонни ўлдириб қўйиб, шу (можаро) сабабли жанжаллашиб қолган эдингизлар, ҳолбуки, Аллоҳ сизлар яширган нарсаларни (сирларни юзага) чиқарувчидир.”

Қадимий аломатли Субах тангаси қуйидаги суратнинг биринчиси Қайирма кишлоғида яшовчи Рахимов Эшпўлат бобонинг 1957 йилда 105 ёшларида қазо этган, у кишини Аллоҳ раҳмат этсин Мақсад момолари авлоди бўйинларига тумор қилиб осиб келишар экан. Субах-Ўлик тепадан ширкат хўжалиги аъзолари ариқ қазиш вақтида ҳам айнан шу тангага ўхшашларини топишган экан, тасвирларга эътибор берилса “Турклар, қавми Турониянинг бошқа шўьбалари каби тўғри йироқ тарафларга кетмай, балки аввалги ўринларина туташ ва онинг ҳар тарафина жуда кўб ерга сочилдилар... Турк уруғлари айланаси жуда кенг, улар ерларда ва саҳроларда сочилиб, ҳисобсиз кўб шўьбаларга бўлиндилар. Кўчма тириклик ҳам бу бўлинувларга сабабчи бўлур эди. Ўз ораларинда бири-биринидин ойрулур учун кўброқ сув, тов, ўрмон, ҳайвон исмлари ила отолинур эди”. [1, Б.39] Эътибор берсангиз, Субах (сув билан уралган супа) тангасидан ҳам юқоридаги таърифлар ўз исботини топган.



Суратдаги шатранж тошни Боймурод бобо Қораевга Ўлик тепа атрофида подшолар саройи арки ўрнида мол боқиб юрган чўпон бола келтириб берган бу манзилни Боймурод бобо қадим Субахни шатранж ватани эканига бир далолат деб фикр билдиради.



Бу қадимий Субах тангаларидаги тотем санам бугдой бошоғи тасвири манзилни мелоддан олдин пайдо булганлигига гувоҳлик беради.



Суратда ўнг тарафда Мевазор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норқобил Юсупов у кишининг Ахмад, Юсуп боболари Ўликтепадан топган авлодларидан қолиб келаётган юқоридаги қадим тангалари ҳам бу манзил қадимий давлатчилиги сасини бериб туради. Ўлик тепа санам-маъбудиди. Бозоров Тилов бобо авлодлари, бир умр шу қишлоқда, Ўликтепа атрофларида яшаб келишган. Гурунглари укалари раҳматли Абдужалил полвон Мўминов унинг ишлари ҳақида 1980 йилда уни Ўликтепа атрофида пахтачилик бригадир бўлиб ишлагани ва у ердан Чўгуртма қишлоғига чиқарилган Л-1-3 канали ҳақида борди. Нақ Ўликтепанинг ёнидан канал ўтиши керак эди Бульдозерли тракторлар скриперларида тепалик шимол тарафидаги кичик тепаликни қирқиб, канал ўзанига жой очишарди. Техникалар хумдонлар ва ундаги қадимий тангаларни суриб бориб, пастликка уюб ташларди, ҳеч кимни ҳаёлига, бу нарсалар тарихий ва қадимий ашёларга тегишли манба эканлиги келмасди. Ундан кейин тупроқ остидан, ибодатхонали жой чиқди, тупроқ орасидан ярим метрча келадиган сариқ тусдаги одам юз тасвирдагисанам маъбуд чиқиб қолди.

Ўша вақтлар, канал қурилишини мастери Ғузорлик Ҳайдархон деган киши эди, уни тупрокдан тозалаб у кишига бердик. Қаранг эътиборсизликни, энди билсам барчаси, Қавчин элимиз тарихидан сўзловчи аломатлар экан. Субаҳ (ўлик-улуғ) тепа Яккадара (шаҳристони) тарафдан кўриниши.



Шаймардон Примов Субаҳ шаҳри қишлоқ тарихини урганишда бош бўлган мураббий унинг авлодлардан қолган мерос ривоятлари. “Дастанлар туркий авлодлар кенг яйловларда ҳисобсиз от ва йилқилар туялар, сигирлар кўпайтирилиб уларни сутидан қимиз тайёрлашни ва сутларидан сопол куви (гуви) ларда ёғларини ажратишни йўлга қўйишибди.” Сурада сутлардан ёғ ажратадиган аломатли сопол куви қадим Субаҳ шаҳри хоробоси ўрнидаги Бутан қишлоғи қабристони топилмаси. -“Кўҳна қавчин эли Чўғуртма қавми от ва йилқиларни дастлабки ватани. Самовий кўк йилқилар аждодларидан соғиб олинган сутни ёғ ажратадиган куви (гуви) сидан дастлабки вақтларда сут бетидаги қаймоқ олиниб, куйдирилиб, ёғи ажратилган бўлса, қолган сут қайнатилиб кўнарғи солиниб, махсус идишда чакки тайёрланган ва махсус ёғоч пишқаги билан сопол куви ичида чаккига айлантеририлиб сув билан суялтирилган айрон солиниб, ёғоч пишқак билан ишлов берилган, натижада сув бетига чиққан ёғ ажратиб олинган, қолган айрон эса ичимликка ёхуд махсус ипак материалдан тикилган халтага солиниб айрон чаккига айлантеририлиб ундан қурут тайёрланиб узоқ йўлларга чиққан карвон сафарларида ёхуд киш ойларида ишлатилган, бора-бора йилқи қимизи тайёрлашни ўзлаштириб деҳқон ҳоким қалғалар орасида қувурлардан оқизилган деган нақлар бизгача етиб келган” ва исботини кўриб турибсиз ҳам, дейди Шаймардон бобо. Кулоллик чархида ишланган (чизилиб безак берилган) аломатли хум қуёш нури (ёхуд чўғ) рангида сирланган ва қадим вақтларда нур таратиб турган, ўз жозибодорлигини минг йиллар оша йўқотмаган бу такомиллашган ҳунар санъатига эътиборингизни қаратинг.

Сурада хум синиқлари :



Хузорнинг охирги ҳукмдори Саид Ақромхон тўранинг сак боболаридан удум бўлиб келган энг сўнги 1920йил Наврўз марофони ҳам, қадимий анъаналарга кўра, Ҳожа мазори қабристони олдидаги Наврўз сайлгоҳи манзилдан бошланиб, Субаҳ ер ости йўлаклари ва подшолик арки (арк остида ер ости йўллари) атрофларидан қайтган. Сураатларда ўлик тепанинг бир фарсахлик масофадаги Ҳожабош ота таърафдан қурилиши унда арк урнини ва тепалик юқорисида эса табиий очилиб қолган ер ости йўлагини қуриб турибсиз.



Чап тарафдаги ер ости йўлаги иншооти устида маҳалла раиси Норқобил Раҳматов бўлса, ўнг тарафдагисида эса маҳалла фаолларидан Низом Пардаев. Улар турган ер ости иншоотига тушиш йўлаги, ўртадаги сополдагидек чизикли сопол халка ва сопол ғиштлар билан безатилган экан.



Сураатларда Йўлдош бобо Ражабов ва ўғиллари Маннон Ражабов. Асли Қайирмалик, аммо ҳозирда Шаҳрисабзда яшайдиган бу инсонлар бир вақтлар Ўликтепа атрофида яшаб, ғаройиб воқеалар ер ости йўлларида улар ҳам гувоҳ бўлишган.

Ражабов Маннон Йўлдош ўғлининг 2020 йилда айтганлари, "1991 йилда отам Йўлдош бой ота юрти Қайирмага кўчиб келдилар, унга Ўликтепа яқинидан, турар жойга ер бердилар. Отам туғилган ва болалиги ўтган бу манзил ўтмиши ҳақида эринмасдан айтиб берар ва ер остига тушиш жойларини ҳам кўрсатар эдилар. Оталари Ражаб бобо ҳақида рус босқини даврида, шўролар тузилгандан сўнг Қайирма қишлоғидан ўттиз олти жанговар қовчин йигитлари Ғунонбой бошчилигида батрақлар ва НКВД агентлари таъкибидан қочиб, Қўлобга кетдилар. Уларни Ваҳоббекнинг махфий йигитлари дея сиртдан ўлимга ҳукм қиладилар ва махсус тумандан қуролланган (одинокий группа-якка тартибда йўқ қилиш дошнок гуруҳи, шу гуруҳ аъзоси Дўлтали қишлоғидан Зоир бобо ҳикоясидан олинган) бўлинма ҳукми ижро этувчи (дашноклар) юборишган ва улардан Ғунонбой ва етти шеригини отиб ўлдирган улар орасида Ражаб бобом ҳам бўлган экан.

Суратдаги бу сув ва сут оқизиш қувурлари ҳам, кўз кўриб қулоқ эшитмаган, ривоятга ишонмайдиган инсонлар учун - бу манзил туркий сак ва искулт, хун халқларнинг аслий макони, деган авлодларимиз чўпчаклари тасдиғига бир ишорат, Чўғуртма чўғбеги ибодатхонаси сирларига алоқадор аломатли қадимги сирлар силсиласидан хабарчи шахристон ўрнидаги Бутон қабристонни топилмаси.



Бундай қувурларни Чўғбеги хожа мазори ва ибодатхонаси ва Хўжабош ота ҳамда Қўрғон тепа ва Қўрғошим ҳамда Фармистон тепа қабристонлари ўрнида ва оралиғида мавжудлиги. 1974 йиллар ВЛКСМ 50 йиллиги давлат хўжалиги номи билан аталувчи бу манзилда Ўликтепа – Чўғуртма орасидаги ҳозирги Боймурод бобо Қораев ўғиллари дала шийпони атрофлари Бекназаров деган Тошкентнинг Бука туманидан келган пахтачилик бригадаси аъзолари ерлари эди .

Шутуртепа ёдгорлиги. “Юқоридаги қувурлардан қадим Шутуртепадан подшолик қаср ва қўрғонларга йилқи сути ва сув оқизилган.” Эски қадимий туркийлар “отни кўкдан самовий тушган деб, муқаддас ҳисоблашган”. Хитойликлар узоқ муддат бундай отларни кўлга киритиш илинжида бўлишган экан, ҳозирги Шутуртепа атрофларидаги қадимий тоғ ён бағирларидаги Кенгсой ва Таҳам кенгликларида кўпайиб кўлга ўргатилган от-йилқиларни Кўкхон замонларидан кейингина яшиндай учқур отлар бирин-кетин турли йўллар бирла Чин ва Мочин ва бошқа юртларга олиб кетилган. Улар шундан кейин кучайиб кетган экан. “Хитой (Чин)да от ва йилқилар бўлмаганлиги ва улар четдан келтирилган” [10, Б.46].



Сиз кўриб турган суратдаги Шутуртепа (форсийлар Шутур яъни туя, уни чўккан туя шаклига ўхшатишар экан) деб атайдиган ушбу манзилдан Кўкхон пошшолиги ибодатхонаси ва сарой, қўрғонларига махсус қувурлардан сув ва йилқи қимизлари оқизилган. Бу жой қадим Субахдаги тепаликлардан энг баландда жойлашган, ўша қора тугунли, қадимги сирлар силсиласига кирувчи манзил, демокда Шаймардон бобо Примов Яккадарахт мактаб тарих ўқитувчиси Ғофур Рўзиқуловга.

Шутур тепа ҳақида Чўғуртмалик собиқ мироб Боймурод бобо Қораев шундай эслайди: -тепа устига 1986 йилда ўттизга яқин одамлар билан чикдик иккита махсус сирланган ҳовузча турарди.

Қадим Субаҳ ва унинг қарвон йўли чорраҳасидаги Чўғуртма Хожа мазорлари ва ибодатхоналари сирлари ҳам Олам тизимининг яратилишида ноёб географик афзалликларга эга бўлган. Икки дарё оралиғидаги қадим Субаҳ (Хузур) унинг чорраҳали Чўғуртма қарвон йўлидаги биз сўз юритаётган ибодатхоналар манзили аслий туркларнинг дастлабки манзилгоҳи ва диний бошқарув манзили бўлганига амин бўла бошладим. Бироқ бу манзилни ном нишонсиз ётиши изланишларимизга кура “Искифагин сўзининг этимологияси фикир юритсак, у сўзд тилида “Эски” ёки “Иски” яъни “улкан”, “маҳобатли”, “Фагин” сўзи эса “Ибодатхона” маъноларини яъни “Улкан ибодатхона” маъносини беради. Бу фикирни топоним олим Тура Нафасов талқин қилган” [11].

Сўнах-Нахшабга қарашли шаҳарча. Сакифагин-шаҳарча. Экинзорлари кўп Сўнах-Х-ХІ-асрлар араб тилидаги манбаларда “Субаҳ” ва “Сўнаж” шакиларида ёзилган. Унинг ўрни тахминан Ғузур яқинидаги Ўликтепага тўғри келади, Қашқадарё вилояти [14-13].

Татқиқотларимизга кура тарихчи жойлашуви уринларини Навқат Қурайиш, Субаҳи, Искифагин. Навқад-киччик шаҳар барчаси бир-бирига тутшиб кетган Хузур манзилида деб курсатмоқда. Юқоридагиларни “Янги Ўзбекистон Маърифати” ғояси ила қадимшунос ва тарихчилар эндигина тан ола бошлаган Ўликтепа (Субоҳ) аجدодлар сасига кура қўна қора тугунли Хузур қавчин эли Чўғуртма қавми чорраҳаси манзиллари ҳам яхлит Кеш ва туркий оламнинг қадим ва улў бобо юртини англариб тегишли мутасадилар сайёҳлар учун очик осмон остидаги музей ҳамда қавчин эли етти қавим Чўғуртма масжидини тарихий музейга айлантириш борасида етти фуқоралар йиғини маҳалла тадбиркор зиёлилари бирла бирлашиб туризм масканига айлантириб қўна манзиллар қайта юз очиб, бўлакча қиёфа касб этса, туманимиз ёшлари келиб аждодларимиз тарихига қизиқишни ошириш ва қўна Чўғуртма маҳалласини дунёга танитиш вақти келмадимикин!?

IQIBOSLAR/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ҳасан Ато Абуший “Туркий қавмларнинг тарихи” Тошкент Чўлпон нашриёти -1995 йил 46-39-б
2. Наршахий “Бухоро тарихи”.Тошкент “Камалак”1991.”139-бет.,
3. Иргаш Даминов”Гўзал юртнинг буюк фарзандлари” Тошкент- 2018 йил “Мухаррир” нашриёти.34-35-45. б
4. Ғузор тарихи. Абдуқаюм Жўраев, “Завқли қалам” НМУ. Тошкент-2011йил 14-15-б.
5. збекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент-, 2009 йил. 11-том, 429-бет.
6. ЎШайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ислом тарихи”. Ҳилол-Нашр, Тошкент, 2017 йил биринчи китоб.
7. Садриддин Салим Бухорий “Табарурук зиёрогҳоқлар”Тошкент “Ёзувчи ” нашриёти, 1993 йил 31-б.
8. ҚУРОНИ КАРИМ маъноларининг таржимаси” Тошкент ислом унверситети” нашриёти. 2001 Абдулазиз Мансур 11.167.б
9. Амур Темур“Темур тузуклари”
10. Абдуҳолиқ Абдурасул ўғли.”Чин ва Мочин”Тошкент-2006 й. 78-79-671-бетлар.
11. Мамат Саидов “Ғузор тарих сарҳадларида” .Қарши “Насаф” нашриёти-2003й 10.б
12. “ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ 11-жилд 2-сон. ”Соатов.Х.Қ Соҳибқирон Амир Темур ва Қаршилиқ халоскори Қавчин эли сўфийси ҳамда Кешликларга дахлдор Чўғуртма манзили қора тугунли сирлари 25.б
13. Абдулхай Абдурахманов “Саодатга элтувчи билим” Тошкент “Мовароуннаҳр” 2022.52.53.57.б.
14. Қадимги битиклар ”Ҳудуд Ул-Олам” Тошкент-“Ўзбекистон”-2008.13.28.б

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz